

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРИСТЕТИ**

“БАНК ИШИ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР”

КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

ЙЎЛДАШАЛИЕВА ОДИНА БЕГМАТЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

70410501– Банк иши ва аудити мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


**Илмий раҳбар:
И.ф.н., проф. И. Тоймухамедов**

ТОШКЕНТ – 2023

Магистрлик диссертация иши “Банк иши ва инвестициялар”
кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

№ 36 -сонли баённома “ 2 ” 05 2023 й.


Кафедра мудир: Р.Тожиёв



ИМЗО

сана

Илмий раҳбар: И. Тоймухамедов



ИМЗО

сана

Талаба: О. Йўлдашалиева



ИМЗО

сана

Диссертация Корпоратив бошқарув факультетида 2023 йил
“ _____ ” _____ № _____ рақами билан рўйхатга олинган.

Факультети декани Халиков У



ИМЗО



сана

АННОТАЦИЯ

Ушбу магистрлик диссертация ишида пуллар таклифини тартибга солиш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қиладиган хулосаларни шакллантириш, пуллар таклифини тартибга солиш моделларини таҳлил қилиш, пуллар таклифини тартибга солиш амалиёти борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, Ўзбекистан Республикаси Марказий банкининг пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш; Ўзбекистан Республикаси Марказий банки пул таклифининг иктисодий кўрсаткичларга таъсирининг импульс реакциясини аниқлаш, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш вазифалари белгилаб олинган.

In this master's thesis, a comparative and critical analysis of scientific-theoretical views on the regulation of money supply and the formation of conclusions that serve to evaluate their practical significance, analysis of models of regulation of money supply, study and generalization of advanced foreign experience in the practice of regulation of money supply, Uzbekistan Analysis of the practice of regulating the money supply of the Central Bank of the Republic and identification of existing trends; The tasks of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan to determine the impulse reaction of the influence of the money supply on economic indicators, to identify problems related to the improvement of the regulation of the practice of regulating the money supply, and to develop scientific proposals and practical recommendations aimed at solving them.

Калит сўзлар: Пуллар таклифи, мажбурий захира ставкаси, миллий валютани девальвацияси, курс сиёсати, инфляцияга таъсир, пул массаси, қайта молиялаш ставкаси, РЕПО операциялари, инфляция даражаси, ойлик пул массаси, инфляцион таргетлаш, пул-кредит сиёсати.

МУНДАРИЖА:

Аннотация	3
Мундарижа	4
Келтирилган расмлар рўйхати	5
Келтирилган кискартмалар	6
I БОБ. КИРИШ	7
1.1 Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги .	7
1.2 Тадқиқот мақсади ва вазифалари	8
1.3 Тадқиқотнинг асосий муаммолари ва саволлари	9
1.4 Тадқиқот ишининг объекти ва предмети	10
1.5 Диссертация таркибининг қисқача тавсифи	10
II БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	12
2.1. Пул муомаласига онд илмий-назарий қарашлар.....	12
2.2. Пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси.....	21
2.3. Тадқиқот гипотезаси.....	25
III БОБ. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ	27
3.1. Тадқиқот дизайни	27
3.2. Маълумотларни тўплаш жараёни	27
3.3 Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар	28
IV БОБ. ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖАЛАРИ.....	30
4.1. Пуллар таклифини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	30
4.2. Пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш ҳолати таҳлили.....	36
4.3 Пул муомаласини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш йўллари.....	49
V БОБ. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	57
5.1 Тадқиқотнинг асосий илмий ва амалий янгилиги.....	57
5.2 Тадқиқот натижасида келтирилган асосий тавсия ва таклифлар.....	57
5.3 Тадқиқот камрови ва чекловлари.....	59
5.4 Келажакдаги тадқиқотлар учун тавсиялар.....	60
ҲОҲДА ҚИЛДИРИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	61

КИРИШ

1.1. Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Дунё мамлакатларида пул массасининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш, пуллар таклифини таргетлашни такомиллаштириш, инфляция таргетлаш режимидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизми каналларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш, пул-кредит сиёсати ва бюджет-солик сиёсати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатининг шаффофлигини таъминлашга бағишланган фундаменталь тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини илмий асосда тадқиқ қилишнинг долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда алоҳида аҳамият қаратилиши лозим бўлган масала — бу инфляциянинг узок муддатли барқарор омилларини бартараф этиш масаласи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган пул-кредит сиёсатининг 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида инфляция даражасини 2023 йил якунига қадар 5 фоизгача пасайтириш мақсади белгиланган. Бу, биринчи навбатда, истеъмол бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, товарлар импортида концентрациялашув даражасини пасайтириш, ҳудудларда савдо ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш каби чораларни амалга оширишни тақозо этади.

Ушбу таркибий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфляциянинг таргет даражасига етганидан сўнг пул-кредит шароитларини босқичма-босқич нейтрал шартларга ўтказиш имконини беради.

2021-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш